

---

## Халқ депутатлари Фурқат туман Кенгашининг навбатдаги сессиясида муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Халқ депутатлари Фурқат тумани Кенгашининг олтмиш бешинчи сессиясида туман Кенгаши депутатлари, тумандаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Сессия давомида,

□ Туман аҳолиси ва ижтимоий соҳа объектларини 2023 йилда энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш борасида амалга ошириладиган ишлар хусусида;

□ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссиялари таркибига номзодларни тавсия этиш тўғрисида;

□ Фурқат туманидаги эҳтиёжманд оилаларга “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан моддий ёрдам ажратиш тўғрисидаги масалалар ўрин олди.

Кун тартибидаги барча масалалар юзасидан масъул ва маърузачиларнинг ҳисобот ҳамда ахборотлари тингланди.

Сессияда кўрилган масалалар, қарорлар ижроси депутатлар томонидан саволлар ва қизғин муҳокамаларга уланди. Сессия сўнггида кўрилган ҳар бир масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Халқ депутатлари Фурқат тумани Кенгашининг олтмиш бешинчи сессияси туман Кенгашинининг [фейсбук ижтимоий саҳифаси](#) орқали [жонли эфирга](#) узатиб борилди.

2023-05-25 17:14:10